


Шодия АБДУКОДИРОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган артист:

ЎЗИМДАГИ САНЪАТНИ
СЕВАМАН!



“БЕГОНА”
ҚОНДОШЛАР

5



ЎЙНАБ ЭМАС,
ЎЙЛАБ ГАПИРИНГ!

8

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



С а м а р қ а н д вилояти Иштихон тумани марказидаги “Ўзбекистон” маҳалласида умргузаронлик қилаётган Маҳбуба опа ҳамда Мавлонжон ака Оқиловлар оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Аввало, ўз хонадонини аҳиллик қўрғонига айлантира олган бу инсонлар оилада ҳам, жамиятда ҳам фаоллик кўрсатиб, фарзанду неваралари — истиқлол авлодларига ҳаёт илмидан ибратли сабоқ беришмоқда.

Хошимжон
ОРЗИКУЛОВ
сурат-лавҳаси.



Индекс — 176

“Оила ва жамият” газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган мухтарам муштарийлар! Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда!



ҲИКМАТ

Билишини биладиган одамга эргашинг, билишини билмаганни огоҳлантиринг, билмаслигини биладиганга ўргатинг, билмаслигини билмагандан қочинг.

Конфуций

ШАРҚНИНГ БИЛЛУР ОВОЗИ

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2014 йилнинг 31 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори кенг жамоатчилик томонидан аёл зотиغا, адабиётимиз ҳамда аждодларимизга, шунингдек, адабий жамоатчилигимизга юксак эҳтиром намунаси сифатида кутиб олинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотлар, нашриётлар вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар фаоллари, олий ва ўрта махсус таълим масканлари ўқитувчилари, олималар иштирокида ўтган тадбирда миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган, ўз асарларида Ватан-

га муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари тараннум этган Зулфияхонимнинг ҳаёти бугунги кунда ҳам оқила, зукко ва етук салоҳиятли қизларни тарбиялашда ибрат намунаси бўлиб келаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси



билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига ўтган давр мобайнида адабиёт, санъат, маданият, илм-фан, таълим каби йўналишларда 212 нафар иқтидорли қизлар лойиқ топилди. Бугунги кунда турли жабҳаларда

фаолият юритаётган, таълим масканларида билим ва салоҳиятини юксалтираётган бу қизлар ўзларининг ватанпарварлиги, ижтимоий фаоллиги, тиришқоқлиги ва изланувчанлиги билан тенгдошларига ўрناк кўрсатишмоқда.

Шоиранинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бир қатор маънавий-маърифий лойиҳаларни ташкил этишни режалаштирган. “Саодат” журнали қошида “Зулфияхоним мактаби” номи тўғрақ фаолиятини йўлга қўйиб, устоз маҳоратини ёш ижодкорларга ўргатиш, театр жамоаларида “Хотирам синиклари” дostonи асосида тайёрланган спектакль намойишини ташкил этиш, “Зулфияхоним – меҳр-муҳаббат ва садоқат тимсоли”, “Маънавий жасорат соҳибаси” мавзусида ин-

шолар танлови, “Шарқнинг биллур овози” номли фото-кўргазмани ўтказиш шулар жумласидандир. Ўқув масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокида мушоиралар, давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар ўтказиш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг янги китобларини чоп этишга кўмаклашиш, шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган веб-сайтни янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Тадбир давомида Зулфия таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар қизгин муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз муҳбиримиз.

ЁНҒИН

ХАВҒСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНАДИ!

Хурматли ҳамюртлар!

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кундаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига қадар республика миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — “...иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш; ўта муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”дан иборат.

Азиз юртдошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда, таъкидлаймизки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки, бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон
Республикаси ИИВ
Ёнғин хавфсизлиги бош
бошқармаси.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 22 йил тўлмоқда. Бу тарих силсиласи олдида бир лаҳзадек гап. Ўтган вақт мобайнида Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида ўзига хос пойдевор вазиғасини ўтади. Бугунги кунда бу муҳим ҳужжат фуқаролик жамияти барқарорлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминламоқда, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилмоқда.

Шахсий эркинлик ва дахлсизлик, сўз эркинлиги, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги, эътиқод эркинлиги, жамоат бирлашмалари эркинлиги, тенг суд ҳимояси ҳуқуқи каби демократиянинг муҳим тамойиллари ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган. Шунингдек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳар кимнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи мавжудлиги, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган.

Конституциямизда “Оила” боби алоҳида ўрин олган. Оила давлат муҳофазасида эканлиги, оналик ва болаликнинг муҳофазаси қилиниши, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши каби конституцион нормалар болажон халқимизнинг анъанавий урф-одатларига тўла мос келади.

Қомусимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинди, давлат ва жамият, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилганлиги Ватанимиз тарққиёти ва халқимизнинг порлоқ келажиги учун гоятда муҳим кафолатдир.

Наргиза НУРНАЗАРОВА,
Жомбой туман ФХДЭ
бўлими мудири.

МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш учун фарзандларимизга ёшлигидан оқота-оналик масъулияти, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги борасидаги тушунчаларни сингдириб боришимиз керак. Шу маънода туманимизнинг бир қатор таълим масканлари ва маҳаллаларида туман соғлиқни сақлаш бўлими, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. “Баҳрул” қишлоқ фуқаролар йиғинида, Ургут Ижтимоий-иқтисодий ва педагогика ҳамда тиббиёт коллежларида ёшларни оилага тайёрлаш, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ўғил-қизларнинг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мавзуларига бағишлаб ўтказган давра суҳбатларимиз ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

ФХДЭ бўлимида қошида ташкил этилган “Ёш оила мактаби”да эса туманимиздаги касб-ҳунар коллежларининг 3-курс ўқувчиларига никоҳ ва оиланинг ҳуқуқий, маънавий ва маърифий асослари ҳақида тушунчалар бериб бориляпти.

ФХДЭ фаолияти

Иш жараёнида фуқаролик ҳужжатларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлаётганларга ҳам дуч келяпти. Айниқса, никоҳ тўғрисидаги гувоҳномаларни ўз вақтида олмай, бепарволик билан вақтни ўтказиб бораётган фуқароларимиз ҳам, афсуски, ораимизда йўқ эмас. Натижада бир қатор оғрикли муаммолар юзага келмоқда. Биринчидан, оилада бола туғилгач, қонунан оталик ва оналикни аниқлашда оворагарчиликлар содир бўлмоқда. Айрим ҳонадонларда эса фарзанд туғилгунча қадар оиланинг пароканда бўлиши, қонунан ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган келинчакнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. “Аввал тўйни ўтказаверайлик, қолгани бир гап бўлар”, қабилида иш туриб, қизини узатган ота-оналар кейинчалик афсусланиб қолишмоқда.

Маҳаллаларда ота-оналарнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга бағишланган тадбирларни тез-тез ўтказиб, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётганимиз натижасида юқоридаги каби салбий ҳолатлар кескин камайишига эришилмоқда.

Сайёра ТУРСУНОВА,
Ургут тумани
1-сонли ФХДЭ бўлими мудири.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Сингапурда жойлашган “Operation Smile” халқаро хайрия ташкилоти ўртасида имзоланган ҳамкорлик битими доирасида 13-19 ноябрь кунлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида навбатдаги хайрия тадбирини ўтказди.

Унда тиббиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди. Сингапурилик бир гуруҳ шифокорлар – пластик жарроҳ, анестезиолог, ортодантист, педиатр, реаниматологлар юқори лаб ва танглайида туғма нуқсонли бор болаларни тиббий вақайдан ўтказишди.

— Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси жадал ривожланиб бораётганини ниҳоятда диққатга сазовор, — дейди “Operation Smile” халқаро хайрия ташкилоти Сингапурдаги бўлими ижрочи директори Талуқдар Абхиманю. — Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар, ўзаро тажриба алмашинуви аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганидан хурсандимиз.

Сингапур Республикасида ташриф буюрган ушбу делегация аъзолари ўзлари билан олиб келган дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари ёрдамида қўйилган ташхислар асосида бемор болаларни даволаш ишлари бошлаб юборилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

— Наргиза опа, авваллари “оқ қон”, “қон раки” деган касалликлар ҳақида жуда кам эшитардик. Аммо сўнги йилларда бундай хасталиклар билан оғриган беморлар сони ортиб бораётгандек. Бунинг сабаби нимада?

— Лейкоз, лейкемия, оқ қон — қон ишлаб чиқарадиган тўқималарнинг ўсма касаллиги. Бунда қон ҳосил бўлиш жараёни бузилади. Қон яратувчи аъзоларда ёш патологик ҳужайра элементлари ўсиб кетади. Лимфа тугунлари, қора талоқ катталашади, қонда ўзига хос ўзгаришлар содир бўлади.

Касалликнинг дастлабки босқичида — тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, тери ва шиллик қаватларнинг оқариши, иштаҳанинг пасайиши, суякларда оғриқ, бурун ва милкларда қонаш, баданда кўкаришлар ва майда қизил тошмалар тошиши, ички аъзолар (жигар ва талоқ)нинг ҳамда периферик лимфа безлар катталашуви кузатилади. Лейкемиянинг дастлабки белгилари, одатда, бошқа касалликларга ўхшайди. Фақатгина очик қон таҳлили ва иллик ҳужайраларининг таҳлилидан кейин лейкемия ташхисини қўйиш мумкин.

Бу хасталикнинг келиб чиқиш сабаби тўлиқ аниқланмаган. Олимлар томонидан каттик кўркув, стресс, радиация таъсири каби бир қанча сабаблар келтирилади. Бироқ бу тахминлар ҳали тўлиқ тасдиқланмаган. Шунингдек, куёш остида меъёрдан ортиқ қолиб кетиш, озиш учун қўлланиладиган радикал ҳолатлар натижасида (оч қолиш) ошқозоннинг стрессга қўйиш, вирусли хасталиклар (асосан, организм аввал вирус касаллиги билан оғриган бўлса, организмнинг иммун тизими фаолияти бузилиши) оқибатида ҳам бу хасталикка чалиниш эҳтимоли мавжуд.

Лейкоз касаллигидан буткул фориғ бўлиш беморнинг руҳий ва жисмоний ҳолати, хасталик аломатлари бошланиш муддати ҳамда қатъий парҳезга боғлиқ. Қанча эрта аниқланиб, даво чоралари бошланса, хасталикнинг тузалишига қаролат ортади. Ота-оналарнинг кўпчилиги боланинг ранги оқариб, ҳолсизланганини сезиши билан дарҳол умумий текширувдан ўтказиб, бир ҳафтадаёқ касалхонамизга олиб келишади. Айримлар эса турли табибларга ишониб, икки-

ЎТКИР ЛЕЙКОЗ БЕДАВО ЭМАС

— дейди Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-амалий институти клиникаси болалар бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Наргиза Бобохонова.

уч ойдан сўнг касаллик буткул танага тарқалиб бўлгач, оғир аҳволда келишади. Уларни оёққа тургазиш жуда мушкул. Аммо қўлдан келганча ҳаракат қиламиз. Имкониятдан фойдаланиб, юртдошларимизга айтмоқчиманки, лейкоз, лейкемия, умуман, ҳар қандай касалликни ўз билганингизча даволашга уринманг, турли табибу азайимхонларга бориб, вақтингизни кетказманг. Фақат шифокор ташхиси билан, малакали мутахассислар назорати остида даволанинг. Вақтида даво муолажалари қўлланилса, ҳар қандай касалликдан, жумладан, лейкоз хасталигидан ҳам тамомила даволаниш имкони бор.

— Демак, бу хасталик бедаво эмас экан-да?

— Бўлмасам-чи, лейкоз, лейкемия (оқ қон, қон раки) дегани, ҳаёт тугади, дегани эмас-ку! Бугун барча соҳаларда бўлгани каби, тиббиётда ҳам мисли кўрилмаган ривожланишлар рўй бермоқда. Дори-дармонлар, муолажа усуллари, кимётерапия жараёнлари мукаммаллашган. Бир пайтлар бу хасталикни даволаш учун хорижий давлатларга бориларди. Бугун эса бунга эҳтиёж йўқ. Клиникамизда хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, тажриба алмашиш, малака ошириш ишлари мунтазам олиб борилади. Хусусан, Германия билан бу борада яқиндан амалий ва малакавий ишлар олиб бориламоқда. Хуллас, тузалиш учун имкон бор!

— Дейлик, лейкоз хасталиги билан оғриган бола ёки қизалоқ даволаниш натижасида бу дара-



дан фориғ бўлди, улгайди, балогагга етди ва турмуш қурди. У келажакда фарзандли бўла олиши мумкинми? Ундан тугилган болаларда бу хасталик кузатилмайдими?

— Менга айнан шу савол билан кўпчилик мурожаат этади. Биласизми, ҳозирда бизнинг ягона мақсадимиз — боланинг ҳаётини сақлаб қолиш. Қолгани Яратганнинг иродасига боғлиқ. Бўлимимизда даволашиб, соғайиб кетган, олий таълим даргоҳларида ўқиётган, турмуш қуриб, фарзандли бўлган ёшларимиз бор. Бу томондан хавотир олишга ҳожат йўқ. Олимлар лейкемия наслдан наслга ўтмайди, деган фикрни илгарди сурмоқдалар. Демак, бу жиҳатдан ҳам кўнглини тўқ қилса бўлади.

— Эшитишимизча, лейкоз билан оғриган болалар вақти-вақти билан даволаниш учун клиникага қайтарилар экан. Ундан сўнг ҳам бемор боланинг организми жиддий парварниш талаб этади. Даволаниш мобайнида болалар мактаб дастурини ўзлаштиролмайдими келиб кетмайдими?

— Бемор болалар уйига жавоб берилганидан сўнг ҳам бир йил мобайнида мунтазам шифокор кўригида бўлишлари керак. Бу пайтда уларга уйда таълим олиш имконияти бериллади. Негаки, эндигина даволаниш босқичларидан ўтган боланинг жисми заиф, микроб ва вирусларга чидамсиз бўлади. Мактабда бола қайсидир маънода қаровсиз қолиши, ҳазири оғир егулик истеъмо қилиши ёки бошқа тенгдошларига қўшилиб оғир жисмоний ўйинлар ўйнаши, шамоллаб қолиши, грипп қўптириши мумкин. Бу эса трипланиш жараёнидаги организм учун хавфли ҳисобланади. Бир йилдан сўнг, кучга тўлган, соғайган бола, албатта, мактабига, ўртоқлари даврасига қайтади.

— Бу хасталикнинг олдини олиш ва бемор фарзандлари ундан фориғ бўлиши учун ота-оналар асосан нималарга эътибор бериши керак?

— Энг аввало, болага эътиборли бўлиш керак. У ўз-ўзидан ҳолсизланиб, ётавермайди, гингшиб, инжикланиб, хархаша қилмайди. Фарзанди ўзини нохуш ҳис қилаётганини сезган ота-она дарҳол қишлоқ врачлик пункти, туман, шаҳар ёки вилоят ташхис марказларига мурожаат этишлари керак. Болани тез-тез шифокор кўригидан ўтказиб туриш шарт.

Фарзанди лейкоз хасталиги билан оғриган ота-оналар, боласи соғайиб кетиши учун аввало, болага ҳам, бир-бирларига ҳам руҳан далда бўлишлар лозим. Оила аҳли, буви ва болалар, қайнота-қайноналар ҳам жиҳатликда, бир-бирини қўллаб туриши жуда муҳим. Фарзандини бу хасталик чангалидан соғ-омон чиқариб олишда ота-оналар бизга катта ёрдамчи бўлиши керак.

Кўча овқатлари, ҳар хил фаст-фудлар, чипс, крешки, газланган ичимликлар, яхна чой, сомса, хаамири қалин хонимларни болага мутлақо едирмаслик керак. Онанинг ўз қўли билан тайёрлаган овқатига нима етсин?!

Боланинг соғлом воёга етиши учун, аввало, у истеъмо қилаётган озиқ-овқат махсулотлари жуда сифатли ва витаминларга бой бўлиши керак.

Умида АДIZОВА
сўхбатлашди.

Кунлар совий бошлаши билан томоқ ва қулоқ оғриғи, бурундан сув оқиши каби нохуш ҳолатлар кўпчилики бе-зовта қилади. Халқ тилида оддийгина шамоллаш деб аталган бу хасталикларнинг келиб чиқиш сабаблари ва асоратлари ҳақида маълумот олиш учун мутахассис шифокорга мурожаат қилдик.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси поликлинikasi шифокори, отолоринголог Латофат РАХИМОВА шарҳи:

— Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, асосан, эрта баҳор ва куз ойларига кўп учрайди. Бунга асосий сабаблардан бири ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришидир. Шунингдек, кўпроқ ёш болалар ва ҳомиладор аёлларда кузатилувчи ушбу касалликлар организмнинг иммун тизимининг пасайиши натижасида келиб чиқади.

Кўпчилик бош оғриғи, тумов, томоқ оғриғи, бурундан сув оқиши, кўзнинг тинмай ёшланиши каби ҳолатларни оддий шамоллаш деб била-

КУЗГИ ХАСТАЛИКЛАР

ди ва шифокорга мурожаат қилмайди. Аммо бундай белгилар нафақат шамоллашда, балки бурун соҳасидаги касалликларда ҳам кузатилади ва ўз вақтида олди олинмаса, нохуш асоратлар қолдиради. Грипп, эпид паротит (тепки), қизамиқ каби инфекция хасталиклар ва шамоллашнинг охиригача даволан-



маслиги, иммунитет пастлиги, гайморитнинг ва қулоқ касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ўрта қулоқнинг шамоллаши, қулоқ каналининг тез-тез нам бўли-

ши кузатилади.

Қулоқ ва бурун касалликлари баъзан шамоллаш асорати эмас, аксинча, мустақил хасталик сифатида ҳам ривожланиши мумкин.

Болаларда кўпроқ ўрта қулоқ шамоллаши учрайди, сабаби, уларда аденоид тўқимасининг катталашуви натижасида бурун доим битиб, ундан суюқлик оқиб туради. Бу ўз навбатида шамоллашни ўрта қулоқ соҳасига тарқалишига олиб келади. Шунинг учун болаларда бурундан суюқлик оқиши кузатилганда, ўз вақтида мутахассисга мурожаат қилиб, даволаш чораларини кўриш зарур. Айрим болалар бурнида ҳалқум муртаги, яъни аденоид мавжуд бўлади. Бундай ҳолда ажраладиган шилимшик бурундан ўрта қулоққа ўтади ва у яллиғланади. Ўрта қулоқ

шамоллагач, унда суюқлик тўпланиб, йирингга айланади. Унинг кўпайиб кетиши қулоқ пардаси йиртилишига сабаб бўлади.

Томоқ касалликлари ёзда, ҳаво ҳарорати кескин кўтаририлганда кўп учрайди. У муздек сув ичиш, анҳор, дарё сувларида чўмилиш натижасида келиб чиқади. Томоқ касалликлари ўз вақтида даволанмаса, сурункали хасталикка айланади.

Айрим беморлар қулоқ қизиши ва унда шовқин пайдо бўлишидан шикоят қилишади. Бу қон томирлар билан боғлиқдир. Қулоқда қон айланиши бузилса ёки йиринг пайдо бўлса, шундай ҳолат юзага келади. Аммо аксар ҳолларда бу организмнинг умумий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, қон босими ошиши натижасида келиб чиқади.

Қулоқ оғригини уй шароитида даволаш мумкин эмас. Бу қутилган натижани бемор-

маслиги ёки акс таъсир кўрсатиши мумкин. Яхшиси, бундай ҳолларда шифокор маслаҳати билан иш тутиш лозим. Қулоқ касалликларига ўз вақтида даво қилинмаса, менингит, сепсис, ҳатто мия тўқимаси абцесси каби асоратлар рўй беради.

Қулоқ ва бурун соҳасида бирор муаммони сезаётган шахс, албатта, отолоринголог шифокорга мурожаат этиши лозим. Бундан ташқари, нам соч билан кўчага чиқмаслик, чўмилгандан сўнг енгил уст-бош киймаслик, оёқни иссиқ тутиш, шамоллашни охиригача даволаш зарур. Шундагина шамоллаш ва унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хасталиклардан ҳимоялана оламиз.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Мадина
АЛЛАБЕРГАНОВА
ёзиб олди.

Хали талабалик чоғидаёқ, мухлислари ёмон кўриб қолишдан чўчимай, илк салбий ролини ижро этган бу актриса ҳақида гап кетганда, устозлари: “қахрамон қиз” дея таъриф беришади. Ўзбек Давлат миллий академик драма театри актрисаси, қатъиятли ва кенг фикрли ижодкор Шодия Абдуқодирова Президентимиз Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига мушарраф бўлди. “Огоҳ бўлинг одамлар”, “Қуёшни сен уйғотасан”, “Сизсиз ўтмас кунларим”, “Андишали келинчак”, “Қайтар дунё”, “Туташ тақдирлар” каби спектакль ҳамда миллий телесериалларда Мавжуда, Шабнам, Ирода, Келинчак, Машхура, Дилдора каби бир-бирини такрорламайдиган образларни талқин этиб, мухлислар меҳрини қозониб келаётган актрисанинг кўнгил дафтарини варақладик.

Шодия АБДУҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

ЎЗИМДАГИ САНЪАТНИ СЕВАМАН!

— Шодия, яқинда оналик бахтига муяссар бўлдингиз. Айтинг-чи, сахнадаги оналик роли билан ҳаётдаги оналик масъулияти ўртасида қандай фарқ бор экан?

— Ўттиз ёшимда Оллох мени ширингина қизалоқ билан сийлади. Қайнонам унга Марям деб исм қўйдилар. Ҳозир саккиз ойлик бўлди. “Болали уй бозор”, деганлари рост экан. Оиламизда ўзгача шукуҳ.

Қизлар жамиятда ўз ўрнини топиб, шахс бўлиб шаклланганидан сўнг она бўлиши борасидаги фикрлар бежиз айтилмаган. Ахир шахс жамият учун етук шахсларни тарбиялаб беради-да. Ёшингиз улгайганда фарзанд кўрсангиз, болага катта масъулият билан қараркансиз. Илгари тасаввуримда яратган она сиймосини ижро қилардим. Энди эса она образини кўз олдимга ўз фарзандимни келтириб, олдингидан-да кўпроқ масъулият, ҳис-ҳаяжон билан ўйнасам керак. Оналик чин маънода саодат экан. Авваллари жиянларимга меҳр билан қарардим, уларни яхши кўрардим. Аммо ўзим она бўлганимдан кейин ҳамма бола кўзимга ўз фарзандимдек суюкли бўлиб кўринапти. Она бўлмагунингизча, бу туйғуни ҳис қилмас экансиз. Айрим ёш оналарнинг оқ кўнгилли мурғак қалбларга нисбатан дағал муомалада бўлишларини қабул қилолмайман. Волидасидан ширин сўз ўрнига ҳақорат эшитиб улгайган болалардан ҳеч қачон яхши инсон чиқмайди. Бундай болалар эшитган ҳақоратларини кўча-қўйда, мактабда бошқа болаларга нисбатан кўлладан тоймайди. Онанинг билими, дунёқарashi қанчалик кенг бўлса, у тарбиялаётган болалар ҳам кенг фикрли бўлишади. Маърифат ва салоҳият онадан фарзандга ўтади. Онам Юлдуз опа ҳам, қайнонам Дилором ая ҳам ўқитувчи, зиёли аёллар. Мен қизалоғимни ҳозирданок уларга ўқашларини орзу қилаяпман.

— Ролларингиз орқали турмуш ўртоғига хиёнат қилган аёл, яъни салбий образларни кўпроқ гавдалантирасиз.



— Роль танлашга актёрнинг ҳақи йўқ, деб ўйлайман. Кичкина роллар бўлмайди, кичкина актёрлар бўлади, деб айтишади. Шунинг учун, айниқса, салбий роллар, яъни характеримга тамоман қарши роллар, мен учун ҳаммиша қизиқарли. Агар мен сахнада ўзимни ўйнайдиган бўлсам, ижроимнинг ҳеч қимга қизиги бўлмайди. Актёр салбий ролни ижро этаркан, ўша образларга нисбатан муносабатлари, қарашлари шаклланган бўлмаса, ҳаракатлари сохта чиқади. Актёрлик маҳорати билан қаралганда салбий ролни ўйнаш бироз қийинроқ. Бунинг учун олтин оралиқни топишимиз керак. Авжини ошириб юборсангиз, метёридан ошиб кетса, томошабин ишонмайди. Мухлисларнинг юрагига салбий қахрамонга нисбатан нафрат уйғота олишингиз керак. Касбимга нисбатан ҳаммиша профессионал ёндашишга ҳаракат қиламан. Актёрлик мактабини яратган режиссёр Константин Станиславскийнинг: “Санъатдаги ўзингни эмас, ўзингиздаги санъатни сев”, деган гапига амал қиламан.

— Агар сиздан спектаклда қуйлашингиз талаб этилса, қандай йўл тутган бўлардингиз?

— Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг эстрада актёрлиги бўлимини тугатганман. Хонандаликни ҳам, вокални ҳам тўрт йил давомида ўқиганмиз. Биринчи курсдан бошлаб, ҳақиқий драма актёрлиги маҳорати бўйича сабоқ олганман. Магистратурада эса драма режиссёрлиги

бўйича таҳсил олдим. Шунинг учун кўпроқ ўзимни драматик актриса сифатида кўраман. Қўшиқ куйлашга овоз имкониятим етарли, деб ҳисоблайман. Чунки вокаль билан жудаям кўп шуғулланганман. Баъзи актрисаларга хонандалик ҳам, актрисалик ҳам ярашади. Лекин мен ҳозир кўпроқ зиёлилар образини яратишга ҳаракат қилаяпман. Бу образлар билан қўшиқчилик бир-бирига унчалик боғланмайди. Агар театрда овоз имкониятларимдан фойдаланишим мумкин бўлган роль берилса, жон-жон деб ижро этардим.

— Ишон ҳаммиша руҳий мададга муҳтож бўлади. Айтилик, кимдир ота-онасидан, кимдир туғилиб ўсган маконидан далда олади. Бирор муаммога дуч келганингизда нимага кўпроқ суянасиз?

— Илгари ўз иродамга суянардим, йиқилсам, туриб кетишга ҳаракат қилардим. Йиқилишлар, туртилишлар ҳаётда жуда кўп бўлади. Агар ўзингизга бўлган ишонч йўқолса, сиз жамиятда ҳам, оилада ҳам ўз ўрнингизни топпилмайсиз. “Аёл кишининг кучи унинг ожизлигида”, деб айтишади. Лекин ўша ожизликнинг орқасида катта бир ирода, катта бир меҳр бўлиши керак. Психологик драма жанридаги ролларга киришишдан олдин икки-уч ой тушкун кайфиятда юраман. Ҳозир эса ундай кайфиятда юришга умуман ҳақим йўқ, чунки чақалогим бор.

Ишон турмуш ўртоғи билан жамиятда бир бутунликни ҳосил қилади, деган гап



Гурунг

рост экан. Бугун ёнимдаги маслакдошим, суянчигим Иброҳимжон Абдуқодировга кўпроқ суянаман. У кишининг меҳри, ишончи менга катта далда бўлиб келяпти.

— Ҳаётда атрофдагилардан тап тортмайдиган, яъни андиша қилмайдиган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай кўприкни босиб ўтадиган аёлларга муносабатингиз?

— Айримлар: “Ҳаётда бўри бўлишинг керак, агар сен эмасанг, сени еб кетишади”, деган ақида билан яшайдилар. Мен бундай қарашларга тамоман қаршиман. Чунки дунёда ҳамма нарсани меҳр-муҳаббат қутқаради, деб ўйлайман. Ҳатто ўкириб турган шерга ҳам меҳр берсангиз, сизга ҳамла қилмайди. Яхши одамнинг кўзига ҳамма яхши кўринади. Ёмон кимсалар эса тинимсиз ҳадиксирайверади.

Ҳаммамиз ҳам олға интилиб яшаймиз. Кимдир ўз мақсадига етгунча узок йўл босади. Кимдир ҳеч нарсадан андиша қилмай, йўлни кесиб ўтишга ҳаракат қилади. Менимча, мақсадга тезгина етишиш эмас, ҳалол йўл билан етиб бориш, муҳим.

— Сизнингча, ўртамеёна фильмлар билан биргалда ўртамеёна санъаткорлар кўпайиб кетмаяптими?

— Бугунги кунда томошабинлар ўртамеёна фильмлардан чарчади. Актёр ҳам, режиссёр ҳам ҳаммиша ўз ўстида ишлаши, билиминини, тасаввур оламини бойитиб бориши шарт. Агар у китоб ўқишдан тўхтаса, ўша кундан эътиборан ижодий ўсиш даражаси ҳам тўхтайдди. Саҳна бежиз томошабиндан бир боғи баланд қилиб қурилмаган, ахир. Бизнинг билим даражамиз, қарашларимиз муҳлисларникидан устунроқ бўлиши керак.

Афсуски, ҳозирги мухлислар бу борада актёрлардан анча илгарилаб кетган. Бугун интеллектуал салоҳиятли, учта тилда сўзлашадиган, компьютер билимларига эга бўлган томошабин бизга нигоҳини қадаб турибди. Уларнинг савиясига биз актёрлар жавоб бера олаёلمизми, деган саволни ҳар биримиз ўзимиздан сурашимиз зарур. Балки шунинг учун ҳам театрларда ёш мухлислар камайиб кетаётгандир. Қайсидир актёр, дейлик бир алломанинг ёки тарихий шахснинг ролини ижро этапти. Унинг ташқи қиёфасини кўрсатиб берган билан иш битмайди. Ўша қахрамонни ич-ичидан, қалбидан ҳис қилиб томошабинга етказиб бериши керак. Томошабин санъаткорнинг билимли ёки уквусизлигини сезиб туради. Афсус, ҳозирги кунда юксак салоҳиятли санъаткорлар бармоқ билан санарли.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.



ЛАБИРИНТ – бир-бирига ўхшаш, кўплаб хоналари, киши юрса адашиб қоладиган чалкаш йўллари бўлган улкан иншоот, қурилма “лабиринт” деб аталади. Аслида, қадимги юнон мифологиясида Крит оролидаги сирли, ғаройиб оролнинг номи “Лабиринт” бўлган. Шунингдек, ички қулоқ ҳам илмий тилда “лабиринт” деб аталади.

ИЮНЬ – бу сўз тилимизга лотин тилидан кириб келган. Янгича йил ҳисобидан олтинчи ой номи. “Июнь” сўзи аслида қадимги Рим маъбудаси Юнонанинг исмидан келиб чиққан.

Ёзги таътилни марокли ўтказиш учун июнь ойида ўқувчилар оромгоҳларга боришга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Газетадан

ЁЗ – қадимда тилимизда “йази” деган сўз бўлган. Бу сўз “чўл, дала” деган маънони англатган. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида шундай мисралар бор:

Сўксўк кибким чу
бўлди суда,
Ётқай ёзи узра
тўда-тўда.

Шунингдек, қадимги тилимизда “ёз” сўзининг “йай” шакли ҳам бўлган. Эҳтимол, “йай” сўзи “ёйилиш” маъносидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин.

Олтин ёз дашту далаларга ўзгача файз берди.

Журналдан

БИЙРОН – тилимизда бурро-бурро гапирайдиган, гапга чечан, сўзамол кишиларга нисбатан “бийрон” сўзи қўлланилади. Бу сўзнинг туб илдици “ўткир, кескир” деган маънони билдиради.

Қизли уйнинг тили бийрон, совчиларнинг тили тийрон.

Мақол

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

"БЕГОНА" ҚОНДОШЛАР

Оилавий муносабатларда собит, туғишганлари, қавм-қариндош, жигарларига меҳрибон бўлган одам атрофга, жамиятга лоқайд бўлмайди. Эл дардини ўз дарди деб билади. Бундай одамнинг эл-юрт олдида юзи ёруғ, хурмат-иззати зиёда бўлади.

Таассуфки, бу таъриф ҳаммага ҳам мос келавермайди. Ора-мизда жигаргўшаллик ҳақи меҳроқибатдан, туғишганлар ораси-

ларнинг ҳамиятига теги.

— Кап-катта хотинсиз-а, уялмайсизми, келинойи?! Бу уй фақат сизники эмас. Бизнинг ҳам туғилиб ўсган жойимиз, бегона жойда ўтирганимиз йўқ.

Бу гап ширакайф Равшаннинг кулоғига етиб борди-ю, жияни Дилафрўзи ҳақоратлай кетди. Мастликда қони гупириб, жиянига қўл кўтариб. Бу ҳам етмагандек, сочларига оқ тушган бўлса-



даги ўзаро муносабатлардаги илиқлик ва самимиятдан иборат эканлигини англамайдиганлар ҳам, афсуски, учраб туради. Аллақачон эллиқ ёшни уриб қўйган Равшан (мақоладаги исм-фамилиялар шартли) ҳам ана шундайлар тоифасидан. У доноларимизнинг "Эркак — уйнинг устуни", деган пурҳикмат нақлини эшитмаган кўринади. Бўлмаса, хотини билан жиянлари ўртасидаги можарони тинчгина барта-раф этиш йўлини топарди.

...Бир нимадан кўнгли хира торганми, аламини кимгадир сочиб энгил тортмоқчи бўлганми, Равшаннинг хотини Моҳира дарвоза олдида гаплашиб ўтирган овсинининг қизларига: "Йўқол, уйларингга киринглар!" деб дағдага қилди. Ҳеч кимга халал бермай суҳбатлашаётган қизлар аввалига хайрон бўлишди. Сўнг: "Биз сизга нима қилдик, келинойи, шу ерда гаплашиб турибмиз-ку", дейишди.

— Бу ер менинг уйим! — дея ўшқирди Моҳира атай жанжал кўзгатиш учун. — Ўз уйларингга кириб, даф бўлларинг!

Келинойисининг ўз-ўзидан дағдага билан зуғум қилиши қиз-

да, қалби кирлигича қолиб кетган бу амаки, ўз жигарининг қизига: Ҳаётингни барбод қилман", дея дағдага қилди. Амакисидан калтак еб, бундай ҳақоратомуз гапларни эшитган қизнинг хуши соқидан учди...

Бир аёлнинг тадбирсиз иши, охирини ўйламай гапирган гапи катта жанжалга сабаб бўлди. Холбуки, ўша хонадонда Равшаннинг кекса отаси Адҳам ота ҳам бор эди. "Нахотки, ўғил, келин ва неваралар кекса одамдан андиша қилмай, жанжалда давом этдилар? Соч-соқоли оқарган одамнинг кўз ўнгида бир-бирларини ҳақоратладилар. Кекса кишининг хўрмати йўқмиди, бу хонадонда?" деган ҳақли савол туғилади. Ха, халқимизнинг "Кексалик саодатидан маҳрум қилмасин", "Пиру бадавлат, бохўрмату боиззат қилсин!" деган дуолари бежиз эмас экан. Адҳам ота кексалик роҳати, пиру бадавлатлик иззатидан мусово одам эди. Шундай бўлмаса, унинг кўз ўнгида ўғли ўз акасининг қизига қўл кўтариб, уни таҳқирлашгача борармиди?

Ака-укалар можароси ўша оқшом маҳалладошларни безов-

Ойна

та қилди. Моҳиранинг овсини Шахло ўзининг қариндошларини чақирган, бир томонда Равшаннинг қайсингиллари етиб келган ва қиёмат жанжал бошланганди. Ҳассага суяниб қолган Адҳам ота ҳам жанжалдан бебаҳра қолмаслик учун ҳассаси билан дам уни, дам буни туртиб, шовқин-суронга аралашарди.

Аёллар юмдалашган, эркалар ёқалашган. "Тез тиббий ёрдам" ва хуқуқ-тартибот ходимларининг машинаси келгунга қадар жанжал ва муштлашувлар тинмади. Одамлардан ҳаё қилишни унутган аёллар милиция ходимлари ва шифокорлар олдида ҳам бир-бирини ҳақоратлаш ва юмдалашни тўхтатай демасди.

Эндиликда Равшан хуқуқ-тартибот ходимлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилиб, ўғли, невараси тенгиларнинг қаршисида "жавобгар" деган атама билан чақирилиб, мунгайиб ўтирибди. Туғишган қариндошларига қўполлик қилган, ҳатто қўл кўтариб, тан жароҳати етказганликда айбланмоқда.

Хунук ишлар ҳақида гапириш кўнглини хира қилади. Юрагинг зиркирайди. Бир майизни тенг бўлиб еган, оғир пайтларда бир бурда нонини, сўнги лўқмасини яқинлари билан бўлишган, қариндошлари тугул, етти ёт бегонага озор беришни гуноҳ ҳисоблайдиган элнинг бугунги авлодлари, туғишганлари билан судма-суд ёқалашиб юрганлари кўнглига оғриқ солади. Бундай маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик балоси бизга қардан кириб келяпти? Равшан каби кимсалар ёшларга, болалари ва невараларига ибратли насихатлар қила оладими? Насихатни қўя турайлик, ўзининг ана шундай бетамизлигидан сўнг эл-юрт олдида, ўз виждони олдида қандоқ бош кўтариб юради?!

Файзли ва обод хонадонларимизни бу каби иллатлардан ҳимояламоғимиз, покламоғимиз жоиз. Шундагина оиламиз ва элу юртимиз учун қилаётган яхши амалларимиз билан фарзандларимизга ибрат бўла оламиз.

Илхом ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар, Юнусобод
тумани ИИБ ТБ УМИБ
катта терговчиси,
катта лейтенант.

Биласизми?

БОЛАЛАР АРАВАЧАСИ

Болани сайрга олиб чиққанда, ота-она кичкинтойи билан дўкон ёки бозорчага бораётганда болалар аравачаси жуда асқотади. Чунки болақайни ва унга зарур бўлган буюмларни доим қўлда кўтариб юриш онага ноқулайлик тугдиреди.

Бугунги кунда савдо дўконларида болалар аравачаларининг хилма-хил турлари бор. Мутахассисларнинг фикрича, булар орасида беланчак-аравачалар, трансформер-аравачалар, универсал аравачалар ўзининг қўлайлиги билан ота-оналарга жуда маъқул келмоқда.

Болақай учун аравача сотиб олиш жараёнида унинг энгиллиги, ихчамлиги, замонавийлиги, қўлайлигига эътибор қаратиш лозим.

Авалло, аравача мавсумга мос бўлиши керак. Агар кишда фойдаланиш учун харид қилинаётган бўлса, атрофи қалин ва зич мато билан қопланганлигига эътибор қаратиш, болани совуқ шамолдан ҳимоя қилувчи мосламалари борлигига аҳамият бериш даркор.

Ёз мавсумида эса, кичкинтойларни куёшдан асровчи махсус соябон ўрнатилган бўлиши лозим. Шунингдек, иссиқ ҳавода аравачанинг орқа қисми очиқлиги ва махсус катакли ҳимоя воситаси билан тўсилган бўлиши муҳим.

Ушлагичларнинг узунлик даражаси автомат равишда ўзгаришига мослаштирилган бўлгани маъқул. Акс ҳолда, ота-оналар бир қанча ноқулайликларга дуч келишлари мумкин.

Гилдиракларнинг сони ҳам катта аҳамиятга эга. Яъни, гилдираклар қанчалик кўп бўлса, аравачада ўтирган болага ҳам, уни бошқараётган ота-онага ҳам шунчалик қўлай бўлади. Пневматик, яъни сиқилган ҳаво ёрдамида ишлайдиган резина гилдираклар аравачани юргизганда қўлайлик яратади. Лекин уларни насос ёрдамида мунтазам шишириб туриш лозим.

● Беланчакли аравачанинг беланчаги ердан 70-80 см. баланд бўлиши мақсадга мувофиқ.

● Қиш мавсумида болалар аравачасининг ичин иссиқ сақлаш чоралари кўрилиши даркор.

● Гилдираклар қиш пайти музламали йўлларда сирпаниб кетмаслиги учун махсус мавсумий резиналарни ўрнатиш тавсия этилади.

● 6 ойликдан катта бўлган чақалоқларни қўлда кўтариб юрадиган ёки елжага осиладиган махсус беланчакда кўчага олиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

● Болалар аравачаси озодлик ва гигиена талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ҲИҚМАТЛАР ДУНЁСИ

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйинига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилисиздир...

Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга бўлайди. Озгина ёлғон ҳам улуг гуноҳдир; озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

Алишер Навоий

ЭЪЛОН!

Аблонова Хуснора Раимкул қизи номига 2012 йилда Сергели тиббиёт коллежи томонидан берилган К№2706878-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

— Сен устамонликда мендан ҳам ўзи кетдинг, — деди кизининг юз-кўзларидан ўпаркан, онаси хаяжонланиб. — Газеталардаги таъзияномаларни ўқиб борардим. Бир кунни ўғай отаннинг хотини вафот этганини ўқидим-у, тезда бошини айлантриб, тегиб олдим. Унга кўз тиккан бева хотинларнинг ҳаммаси доғда қолишган... Сен хорижга эрга тегсанг, орзуларим ушалади. Шу йигитнинг этагини маҳкам тут.

Она-бола маслаҳатни пиширгач, Солихнинг фикрини эшитишди.

— Мен уйимдагиларга Гавҳар ҳақида хабар қилдим, — деди куёвбола Мафтуна опага юзланиб. — Бир ҳафта ичида, шу ерда, ресторанда яқин қариндошларингиз, Гавҳарнинг дўстлари иштирокида кичикроқ никоҳ базмини ўтказамиз. Катта тўй Арабистонда бўлади.

— Биздан нима ёрдам керак, ўғлим? — деб Мафтуна опа берган саволни Гавҳар йигитга тушунтирди.

— Ҳозирча 20 минг АҚШ доллари бериб турсанглар, тўйдан кейин фоизи билан қайтараман, — деди йигит худди майдаси йўқлигидан писта олишга ўртоғидан танга сўраган бойваччадек.

Пул тўғрисидаги гапдан кейин Мафтуна опанинг бир муддат тили айланмай қолди. У кизига қаради. Кизи эса “хўп денг” дегандай, бошини қимирлатди.

— Вой, фоизи билан деган гапингиз нимаси, ўғлим? — ўзини тутиб олди аёл. — Пул экан-ку, керак бўлса, жонимни бераман.

Шу пайт эшикдан кириб келган Шожалил ака икки аёл ўртасида ялпайиб ўтирган йигитни кўриб, жон-пони чиқиб кетди.

Унинг мақсадини эшитгач эса, ёқасидан бўғиб, дарвозагача судраб борди. Она-бола дод солиб, ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, қўриб кетган Солихни ажратиб олишолмади.

— Бу ярамаснинг пешонасига “мен фирибгарман” деб ёзиб қўйилган-ку, кўрмайсизларми?! — деди, ниҳоят, йигитни қўйиб юбориб, қафтларини енгитга артаётган уй соҳиби.

— Гавҳар, йигитингга тушунтир! “Бу кўшимиз, жинни бўлиб қолган, оиламизга дахли йўқ бегона одам”, дегин, — деди Мафтуна опа эрига еб юборгудек бўлиб қараркан.

Хотинининг ҳайбатидан ҳайқииб, ўрик остидаги каравотга бориб ўтирган Шожалил ака ҳамон титраб қақшарди.

— Кизимни биринчи учраган каланги-қасанга бериб юборадиган аҳмоққа ўхшайманми? — ўшқирди у хотинига ола қараб.

— Мен сизнинг кизингиз эмасман, — деди Гавҳар отасига бепарво, тик боққанича. — Шунинг учун кимга турмушга чиқишни ўзим ҳал қиламан.

— Ия, мерос тақсимланганда, “отажон” деб бўйинига осилган ким эди? — ҳайрон бўлди Шожалил ака. — Гўзаллик салонлари пешона терим эвазига келган. Буни писанда қилаётганим йўқ. Фақатгина унутмаслигини истардим. Беш ёшингдан сени боқиб, катта қилганимни ҳам эсингдан чиқарма.

Она-бола ўзини бироз босиб олган меҳмонни кузатиш учун кўчага чиқишди.

— Куёв бўлишга айт, — деди Мафтуна опа кизига шивирлаб, — эртага пулни олади. Зиёфатни истаган кунига белгилайверсин.

Она-бола ичкарига киргач, уйда улардан бошқа ҳеч ким йўқдай даҳанаки жанг бошланди.

— Мен салонларингни йигирма минг АҚШ долларига сотиб оламан, — шарт қўйди Мафтуна опа.

— Ая, ахир биз она-боламиз, жигаргўшангизман-ку, — тутакди Гавҳар.

— Пул керак бўлса, эрталаб нотариусга бориб, олди-сотдини расмийлаштирамиз, — пинагини бузмади она.

— Бойваччага эрга тегясан, буларнинг сенга энди кераги бўлмайди.

сол оқшомини нишонлаш учун келиннинг уйига тўпланган меҳмонлар бетоқат бўла бошлашди. Чунки белгиланган вақтдан икки ярим соат ўтиб кетган бўлса ҳам, на куёвбола олиб келиши лозим бўлган “Лимузин”дан, на меҳмонларни номи номаълум ресторанга олиб борадиган автобусдан дарак бор эди.

Яна бир соатдан кейин келинлик либосини ечиб, ҳар кунги кийимини кийиб ҳовлига чиққан Гавҳар ҳовли четидан тўпланиб турган бегона одамларни олдига имлади.

— Қани айтинглар-чи, — деди у хавотир билан, — Солиҳ кимга “Лексус” сотаман деб айтган ва закат пулини олган?

— Нотаниш меҳмонларга жон кир-



ди. Маълум бўлишича, беозоргина кўринган куёвбола йигирма беш кишининг ҳар биридан нақд беш минг АҚШ долларида олган экан.

— Акажонлар, ҳаммангиз уйингизга бориб, — деди Гавҳар йиғлаб, — у фирибгар устамонлик билан қолган мол-мулкнингизни ҳам олиб кетиши мумкин.

Йиғилганларнинг ҳаммаси тарқалгач, ичкарига кирган Гавҳар онасининг хотиржам ҳолда кроссворд ечиб ўтирганини кўриб, таажубланди.

— Отам ҳақ бўлиб чиқди, у ярамас, фирибгар экан! — уввос солди киз. — Пулларимизни ким қайтаради, ая?

— Мен шахсан ҳеч нарса ютказганим йўқ, — деди онаси ҳамон газета каттакчаларини тўлдираркан. — Тузоққа илинган сен, сенинг бошинг қотсин.

“Мол аччиги — жон аччиги” деганларидек, Гавҳар фирибгар Солихни излаб бормаган жойи қолмади. Элчихоналарга ҳам, лойихалаштириш корхоналарига ҳам бориб кўрди, натижа чиқмади. Фақат автомашина бозоридан сотишга қўйилган Олтинойга тегишли “Лексус” автомашинасига ҳужжатлари билан топилди.

Дубайга бориб яшаб қолган Олтиной дугонаси чув тушганини билса-да, унга нисбатан кўнглида нафрат уйғонган эди. Паити келса уни жазолаш ниятида эди. Интернет орқали Гавҳар билан бўлган мулоқотлардан бирида унга бойвачча эр топганини хабар қилди. Саид Закариё савдо соҳасида бизнес билан шуғулланишини, бўйдоқ эканлигини, Гавҳарга уйланиш истаги борлигини такрор-такрор баён қилиб, охири кизнинг розилигини олди.

Дубай аэропортида Гавҳарни у ўйлаганидан ёши анча катта Саид Закариё кутиб олиб, Шаржа шаҳрига олиб кетди. Улар шаръий никоҳдан ўтиб, бирга яшай бошлаганларидан кейин Саиднинг қонуний хотини, икки нафар фарзанди борлиги маълум бўлди. Аслида эса Саиднинг чўрисида ай-

ланган Гавҳар, у нима иш буюрса, сўзсиз итоат қиларди. Бировларнинг кирини ҳам ювди, болаларини ҳам боқди, фақат фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур қилмаса бўлди, деб кўрқарди. Бир йил давомида мол терисини ошлаш корхонасида ишлаб, ҳолдан тойган аёл, эрига ёлвориб, шу ердан кутулса, бошқа ҳар қандай ишга розилигини айтди.

— Бу бошқа гап, — деди эри, — фоҳишахонани бошқарсан, жарақ-жарақ пул ишлайсан.

Гавҳарнинг асосий “иш”и у билан квартирада яшайдиган уч нафар фоҳиша яқин жойдаги меҳмонхонадаги дискотекага олиб бориб, мижозларга сотишдан иборат эди. 2-3 соатдан кейин тутқунларни яна қайтариб уйга олиб келарди.

Орадан уч ой ўтгандан сўнг, Саид уч нафар фоҳишани ўзи билан бошқа жойга олиб кетди. Гавҳарнинг “Энди мен нима қиламан?” деган саволига, “Юртингга бориб, янги кизларни олиб келасан”, деб тайинлади.

Ўз шахрига самолётда учиб келган Гавҳар уқаси Ўткир билан режа тузиб, ишга киришди.

Уқаси билан бозор айланган Гавҳар, савдотик билан шуғулланаётган аёллар билан суҳбатлашаркан, гап орасида “Хитойда ишлаш учун кизларни тўплапман”, деб лўқма ташлаб қўйди.

Эртаси кунлик опа-ука фирибгарларнинг тузоғига илинган икки аёл кўнғироқ қилишди.

Кўнғироқ қилганлардан бири — Кўйдинисо опа, аввал Гавҳарни меҳмонга таклиф қилди, кейин эса дастурхон устида сўради:

— Бўй етган кизим бор, агар сиз билан юборсам, Хитойда нима иш билан шуғулланади?

— Жинси шимларни олди-сотдиси билан шуғулланади. Бир кунда 300 дан 500 АҚШ долларигача пул ишлайди, — деди Гавҳар бепарвогина.

— Жуда яхши бўларди-да, — деди уй эгаси қувониб, — отаси вафот этиб, қийналиб қолдик.

Ноиланинг қадди-бастини кўрган Гавҳарнинг “иштаҳаси очилиб кетди” шекилли, тилёгламалikka ўтди.

— Э, опажон, савоб иш йўлида юрган аёлман, — деди пинагини бузмай, — харажатларини ўзим тўлайман. Пекинга бориб ишласин, кейин келишиб олармиз.

Кўйдинисо опа қувонганидан йиғлаб юбориб Гавҳарни кучоқлаб олди. Кўярда-қўймай қўлидаги тилла узукни унинг қўлига тақиб қўйди.

— Кўшни “дом”да бир киз бор, “Хитойда ўқисам, тадбиркор бўлсам”, дея юрарди, — деб суҳбатга аралашди Ноила. — Ёрдам беролмайсизми, мусофирчиликда бир-биримизга далда бўлардик?..

— Буни яхши ўйлабсиз, синглим, — деди қутилмаган бу таклифдан суюниб кетган меҳмон. — Телефонда гаплашиб кўринг, хозирок бориб суҳбатлашаман. Бироздан сўнг Гавҳар янги хонадонда меҳмон қолди.

— Қизим Гулсара ҳали балоғат ёшига етмаган, — деб гап бошлади Шарофат опа, — коллежда ўқияпти.

— Қизингизни олдин компьютер курсида ўқитамиз. Кейин ҳам ишлаб, ҳам бизнес мактабда ўқийди. Ўзини ўзи таъминлайди, сизга ҳам пул бо-

Жиноятга жазо муқаррар

ради.

Ҳали бошига қандай савдолар тушишдан беҳабар Гулсара қувонганидан жойида ўтиролмай қолди.

— Қизингизнинг паспорт олишига ҳам, визасига ҳам ўзимиз ёрдам берамиз, — деди меҳмон опага мурожаат қилиб. — Компьютер курсида ўқиган, деган далолатномани ўзингиз бир илож қилиб оласиз.

Улар сир очилиб қолмаслиги учун Ноила ва Гулсарани алоҳида-алоҳида рейс билан Шаржага юборадиган бўлишди.

Ўткир ва Ноила ҳужжатлари пухта бўлганлиги учун аэропортдаги назоратлардан қийинчиликсиз ўтишди. Божхона ходимларидан бирининг:

— Шаржага нима иш билан учиб кетяпсиз? — деган саволи Ноилани додиратиб қўйди.

— Мен Пекинга учимчи керак, — бамайлихотир жавоб берди у.

— Қўлингиздаги чипта Шаржа шаҳрига-ку? — яна савол беришди унга.

— Ҳўп деб, ўтиб кетаверинг, бироз ўзгариш бўлди, — деб кизнинг қулоғига шипшиди Ўткир. Кейин божхона ходимларига:

— Қариндошим ҳазил қияпти, — деди.

— Ҳазиллашдим, — деди Ноила ҳам ўзини тутиб олиб.

Шаржа аэропортида Ноилани кутиб олган Гавҳар биринчи навбатда кизнинг паспортини олиб қўйди. Шундан сўнг ноилож қолган Ноила Гавҳарнинг таъйиқи билан айтганини қилишга мажбур бўлди.

Гулсарани кизининг илтимосига кўра Мафтуна опа аэропортга кузатиб қўядиган бўлди.

— Ҳозир Гавҳар опанг сени Шаржада кутиб олади, — деди кизга меҳрибон оҳангда Мафтуна опа. — Кейин у билан бирга Пекинга учасизлар, хўпми?

Бечора киз биринчи марта бундай узоқ сафарга чиқаётганлиги боис, Мафтуна опанинг гапларига тушуниб-тушунмай рози бўлди.

Шаржага етиб боргач, Гавҳарнинг фирибгарлик тузоғига илинганини тушунган Гулсара ифлос ишлар қилишдан бош тортиди. Гулсаранинг иродасини синдирилмаган Гавҳар кўшмачи эридан ёрдам сўради. Саид ўзининг бир неча гунашталари билан қайсар кизни балконга оёғидан осиб қўйди. Шунда ҳам уларнинг гапига кирмаган норасидани саҳрога олиб чиқиб, томоғига ерга қўйишди. Шу ерда хайвонларга ем бўлишини айтиб, кўрқитишди.

— Сенга ўн беш минг АҚШ доллари харажат қилганман, — деди уни аёвсиз калтаклаган Гавҳар. У зўрлик ишлаб, охири мақсадига эришди. Ҳар кун орномуси топталишига чидай олмаган киз, бир неча марта жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлди.

Орадан бир неча ой ўтиб, кунларнинг бирида Гулсара бу “дўзах”дан қочиб чиқишга муваффақ бўлди. Аммо ҳужжати бўлмаганлиги учун Дубай полиция маҳкамасида таҳминан икки ярим ой қамоқда ўтирди. Кейинчалик элчихона орқали Ўзбекистонга қайтди.

Ноила ҳам мижозининг уйидан қочиб чиқиб, қўп қийинчиликлар билан мамлакатимизнинг Дубайдаги элчихонаси кўмағида юртимизга қайтиб келди.

Ҳар иккала жабрдийда ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилишди. Манфур мақсадлари йўлида фойдаланиш учун янги “қурбон”лар ахтариб юртимизга келган жиноятчилар қўлга олинди.

Исмадулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти судининг
судьяси



УЛКАН ГУЛ-ГИЛАМ

Хар йили ёз фасли охирига яқин Бельгиянинг Брюссель шаҳридаги Гран Пляс марказий майдонига 300 квадрат метр келадиган улкан гулдор гилам "тўшалади". Бундай катталиқдаги гилам қандай тўқилган бўлиши мумкин деб хайрон қолмасми? Аслида гилам одатдагидек рангли ип ўрамларидан тўқилган эмас, балки турфаранг гуллардан рамзий маънода ясалган.



Ажойиб гул-гилам Брюсселда йилига икки марта ясалиши анъанага айланган. Бу гал ҳам уни барпо этиш ишларига турк гиламдўзлигининг энг моҳир ustalари бош-қош бўлдилар. Негаки, ушбу гулдор мўъжиза айнан туркиялик мигрантларнинг Бельгияга "ташриф" санаси шарафига ясалади ва у бу йил мазкур воқеанинг элли йиллигига бағишлаб ёзилди.

Ушбу гиламни ясаш учун миллионлаб бегония гулининг турфа ранглилари сараланади ва санъаткорна тартиб билан жойлаштириб чиқилади. Ортиқча парварिश талаб қилмайдиган, иссиқ ва намчил ҳавога бирдек чидамли, сабрли бегониялар Гент шаҳри атрофидаги далаларда етиштирилади. Аммо боғбонлар чидамли экан деб, бу гулларни шундай катта майдонда офтоб тиги остида ўз холига ташлаб қўймайдилар. Вақтида ва меъёрида махсус фавворалар тизими асосида суғориб туришади.



Гул-гилам яратилиши учун бир йил атрофида тайёргарлик ишлари олиб борилади. Дизайнер-боғбонлар аввалига янгича нақшинкор композицияни аниқлаб олишади ва унинг макетини ясашади. Байрамга бир кун қолганида майдонга чим бўлаклари ёрдамида гилам суратининг контурларини "чизиб" чиқишади. Сўнг шу контурлар бўйича белгиланган тартибда, рангига қараб, бегонияларни ўтказиб чиқишади. 120 нафар атрофида боғбон тўрт соат давомида ушбу гулдор гиламни майдонга "тўшайдилар".

Кеч кириб, қоронғу туша бошлагач, гилам прожекторлар ёрдамида ёритилиб, ташир буюрган шахар аҳолиси ва меҳмонлар ажойиб муסיкий шоунинг гувоҳи бўлишади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси

МУСЛИМАХОН БИЛАН ТАНИШСАМ

“Ассалому алайкум, “Оила ва жамият” газетаси таҳририяти ходимлари! Сизларга катта умид билан мактуб йўллаяпман. Аёлим Зарифа билан ўттиз йил тинч-тотув ҳаёт кечирдик. У жуда оқила, кенг феълли аёл эди. Ишларим юришиб кетганида ҳам, омадсизликда ҳам ҳамisha меҳрибон эди. Уч нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Ўғлимизни уйлантириб, қизларимизни узатиб, энди хотиржам яшаймиз, деганимизда Зарифа оғир хасталикка чалиниб, оламдан ўтди. Ҳозир ўғлим ва келиним билан бирга яшайман. **Ёшим 54 да.** Газетанинг 37-сонидаги “Меҳр керак, муҳаббат керак” номли эълон муаллифи, хоразмлик Муслимахон билан танишиш истагида эдим. Мумкин бўлса, шу аёл билан боғланишимга ёрдам берсангиз.

Аҳад САЛИМОВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани.

БЕФАРЗАНД ЭДИК

Келинлик либосида ота уйим остонасидан чиқиб кетаётганимда, албатта, бахтли бўламан, онам чиройли турмушимни кўриб, хурсанд бўлади, деб орзу қилгандим. Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам биз кутгандек бўлавермас экан. Турмуш ўртоғим билан уч йил бирга яшадик. Ўртамизда фарзанд бўлавермагач, унинг менга бўлган муносабати кундан-кунга ёмонлаша бошлади. “Фалон ошнамда икки, унисида уч нафар фарзанд бор. Менинг эса болам йўқ”, деб, нолийверди. «Шифокорга борайлик, сабабини аниқлаб, чорасини кўрамиз», десам, кўнмади. Бу тортишув ва жанжалларимиз оқибатида тоқатим тоқ бўлиб, отамникига кетиб қолдим. Бирор ҳафта алоҳида яшасак, эрим жаҳлидан тушиб, мени олиб кетади, деб ўйлагандим. Қайда дейсиз, эртасигаёқ юқларимни эшигимиз тагига ташлаб кетди...

Отам эрта вафот этган. Онам бошқа турмуш қурмай мен ва синглим учун яшаганлар. Менинг бахтсизлигимни кўриш уларга оғир ботаётганини сезаман. Турмушнинг қийинчиликларини бир ўзи енгиб, бизларни кўз қорачигларидек асраб-авайлаб келаётган онам бахтимизни кўришини жуда-жуда истайман. Шу мақсадда, бироз ноқулай бўлса-да, ўзим ҳақимда эълон беришга аҳд қилдим. **Ёшим 29 да.** Тикувчилик цехида ишлайман. 40 ёшгача бўлган, иши тайин, уйим-жойим дейдиган инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман. Уйланиб ажрашган, фарзандли бўлса ҳам, майли.

ФЕРУЗА,
Тошкент шаҳри.

СЕВГИСИ САРОБ ЧИҚДИ

Гулюз билан Сирождиндин бир-бирларини ёқтиришларини маҳалламизда кўпчилик биларди. Тўғрироғи, уларнинг самийи сеवгисига ҳавас қилишарди. Ўтган йили кузда Гулюзга совчилар кела бошлади. Хавотирга тушган ошиқ йигит, отасига бу ҳақда гап очганида: “Мен бошқа бир ошнам билан куда бўлишга келишиб қўйганман, агар раъйимга қарши чиқсанг, сендан кечаман”, деган жавобни олибди. Севгилсига садоқат кўрсатиб, совчиларини қайтараётган дугонам қолиб, орадан бир ой ҳам ўтмай Сирождиндин бошқа кизга уйланди... Яқинда уларникида бешиктўй бўлди. Гулюз эса кўчага чиқишга уялдиган бўлиб қолган. “Кимни кўрсам, ана Сирождиндиннинг сеवгилиси келяпти, дегандай туюлаверади”, дейди. Унинг аҳволини тушуниш қийин эмас, албатта. Маҳаллада тарқалган гаплардан бохабар бўлган совчилар Гулюз ҳақида ёмон хаёлларга бориб, қайта келишмайди. Аммо дугонам исми жисмига монанд, назокатли қиз. Турмушга чиқса, ўтмишини унутар, деган ўйдаман. **Ёши 25 да.** Бир сўзли, оқил йигитлар учраса, овоз берсин.

САРВИНОЗ,
Жиззах вилояти.

ТАБАССУМИ ТУШКУНЛИККА АЙЛАНГАН

Айрим кишиларнинг ҳаётга енгил қарashi, қабиҳликлари ҳақида эшитсам, хафа бўлиб кетаман. Дугонам Шахло ҳам ана шундайларнинг касрига қолиб, «Турмушидан қайтган қиз», деган ном олди. Ўз вақтида унга ҳам кўплаб совчилар келган эди. Аммо кўёвликка номзодларни танлайверганидан аста-секин совчиларнинг қадами узилди. Шундан сўнг аммаси уйланиб ажрашган бир йигит билан уни ташиштириб қўйди. Шахло бўлажак турмуш ўртоғи бир сўзли, меҳрибон, қатъиятли йигит эканлигини тўқилганиб гапирганида, унинг бахти очилаётганидан жуда хурсанд бўлгандим. Кўп ўтмай, тўй бўлди.

Аммо тез орада Шахло ота уйига қайтиб келди. Орадан бироз вақт ўтгач, кўришиб, сўхбатлашдик. У эрининг тўйдан олдинги барча гаплари ёлгон чиққанини афсус билан сўзлаб берди. Энг ажаблანарлиси, кувё бола бир кун уйга келса, икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетар экан. Уйига аёллар телефон қилиб, уни сўрашар, беҳаё сўзларни айтиб, дугонамнинг устидан қулишар экан. Устига-устак ҳеч қаерда ишламайдиган, қўлида на хунари ва на бир касби бўлган кувё бола уни калтаклаб, ҳақоратлар экан. Оиласидагиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ёмон бўлиб, қайнотаси ичкиликка берилган, қайнонаси эса келинларига ўрнатилган бўлиш ўрнига, оғзидан боди кириб, шоди чиқар, ҳаммага бирдек захрини сочар экан. Дугонам у оилада узоқ яшай олмай, қайтиб келибди. Кўп ўтмай, Шахло эри билан ажрашди... Энди унинг юзида аввалги табассуми йўқ.

Эндигина **26 ёшга** кирган дугонам ҳам бахтли бўлишга ҳақли-ку, деган умидда сизларга мурожаат этаяпман. Ўзи назокатли, оқила. Касби тайин, диёнатли инсон учраса, хабар берсангизлар.

ГУЛМИРА,
Қашқадарё вилояти.

ЯЛҚОВЛИГИДАН УЯЛАРДИМ

Муниса билан бир йил синашиб, севишиб турмуш қурдик. Бироқ ҳаётимизнинг илк кунлариданоқ унинг уй ишларига, оилавий муомала-муносабатларга уквусизлиги маълум бўлиб қолди. Онам ва келиноийм унинг камчилигини яшириб, ахшичилигини ошириб кўрсатишга уринишарди. Аммо ота-онасининг эрка-тантқиқ қизи бўлган Муниса сира мулоҳаза қилмас, уй юмушларини эпломаслиги етмагандек, онам ва келиноиймга дағал ва кибрли муомала қилиб, мени уялтирарди. Тайёр овқатни еб, телевизор кўриб ўтиравериши ҳеч биримизга ёқмас-да, бирортамиз бу ҳақда оғиз очини ўзимизга эп кўрмасдик. Орадан 5-6 ой ўтгач, овсинининг ялқовлиги жонига теккан келиноийм ҳам тўнини тескари кийиб, ишларни сансолар қила бошлади. Икки овсинининг орасига совуқчилик тушиб, тез-тез уришадиган бўлиб қолишди. Уйимиздан барака, файз кўтарилди. Бу орада қизчамиз туғилди. Муниса туғруқхонадан чиқадиган қуни қайнона-қайнотам: “Қизимизни уйимизга олиб кетамиз, у уйда ортиқ яшамайди”, деб туриб олишди. Анча пайтгача оиламни асраб қолиш учун ҳаракат қилдим. Қизимни кўриш баҳонасида Мунисанинг ота уйига қатнадим. “Ўртада фарзандимиз бор, уларни олиб кетмоқчиман”, десам, Муниса: “Мен шу уйда яшайман, бизни тинч қўйинг”, деб рад этди. Шундан сўнг ажралишга ариза бердим...

Уч йилдирки, бўйдоқман. Иккинчи мартаба адашишни истамайман. **Ёшим 34 да.** Маълумотим ўрта-маҳсус. Қўлимда хунарим кўп. Ўттиз ёшгача бўлган тарбияли, меҳнатқаш ва озода қизлар бўлса, уйланиб, мустаҳкам оила қуриш ниятидаман.

ҚИЛИЧБЕК,
Сирдарё вилояти.

ЎЙНАБ ЭМАС, ЎЙЛАБ ГАПИРИНГ!

— Сўз бугунги кечамиз қахрамонига!

— Хўш, Лола, катта бўлганинг-да ким бўлишни хоҳлайсан?


— Мен катта бўлсам, "Азимар жуз" шарбати бўлмоқчиман!

Сиз ҳам шу кунларда радио тўлқинлари орқали эфирга узатилаётган реклама ролигидаги ана шундай савол-жавобларни эшитгандирсиз. Ажабо, бу нима деган гап? Пул топиш илинжида ҳеч нарсадан қайтмайди деган тужорлар учун тил қонунқоидаларини бузиб, кўча-кўйлардаги ёзув ва плакатларда истаганча хатоликка йўл қўйиш одатий ҳолга айлангани етмаганидек, энди улар оммавий ахборот воситаларига ҳам бемалол таъсир ўтказишаётгани юқоридаги жонли мисолда яққол кўриниб турибди.

Энг қизиғи, шу реклама ролигидаги сўзларни дуч келган киши эмас, аксинча, сизу биз кунора радио-телевидениеда ўзлари ва овозларини кўриб, эшитиб юрган туппа-тузук

бошловчилар айтаётганига нима дейсиз?

Устига-устак, жимитдакки қизалоққа сунъий равишда тўтиқушга ўргатилгани каби: "Мен катта бўлсам, "Азимар жуз" шарбати бўлмоқчиман!" деб айттиришгани ҳар қандай ақли



бугун мухлисни ўйлатиб қўяди. Боғчага қатнайди деган ёки эндигина биринчи синфга қадам қўйган фарзандингиз кутилмаганда, "Дадажон, ойи-жон, мен-чи, улгайсам, "Малибу" машинаси ёки кир ювиш кукуни бўлмоқ-

Таассуф

чиман!" деб қолса борми, эртаси куниёқ, иккиланмасдан, шоша-пиша шифокор ёки руҳшуносга етаклаб борасиз, тўғрими? Шундай экан, "Азимар жуз" шарбатини зўрма-зўраки реклама қилаётган шоввозлар, наҳотки, инсон зотининг кадр-қимматини бир буюм-маҳсулотга тенг кўришган бўлса?! Бу қайси мантиққа тўғри келади? Эндигина ақлини таниётган қизалоқ эфир орқали нималар деяётганига ақли-шуури етмас, лекин биз катталар-чи, кўра-била туриб, митти болақайнинг орзу-умидларини сўндирмаяпмизми? Ахир, у, катта бўлса, олим ёки шифокор, ўқитувчи ёки кўли гул хунарманд бўлмоқчиман, деса тушунарли. Бироқ...

Истагимиз, пул деса, ўзини ҳар ёнга ураётган "хаммас"ларимиз ҳар қандай, у маҳсулот бўладими, ёки ўткинчи бир матоҳми, аввал ўз ақл (нафс эмас!) тарозиларида ўлчаб-ўлчаб, кейин тарғибот қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мохинур ҚОДИРОВА,
Тошкент Давлат педагогика
университети талабаси.

ХИЗМАТГА ТУХМАТ

Ҳайдовчилик қилиб, рўзгор тебратётган Муталбекнинг уч кунки, сира тинчи йўқ. Қайсидир йўловчи унинг машинасида сумкасини унутиб қолдирибди. Очиб қараса, ичи тўла пул, бари мингталик.

"Ким бўлди кин ўша одам?" деган ўйда икки кун шаҳарни айланиб, чиқди. Учраганлардан сўрайверса, меникийди, дегувчилар кўпайиши мумкин. Шу боис бундай йўл тутишга ботинмади. Сабр қилди. Бирор киши излаб келар, деган умидда кўпроқ тўхтаб турадиган бекатда кутди.

"Бировнинг омонати, ишқилиб, эгаси тезроқ топилсин-да", деган хавотирда яна ўша жойда мижоз кутаётганида бир маҳал тўладан келган, афт-ангори со-вуқроқ аёл унга яқинлашиб ўшқира кетди:

— Эй, номард, қаерларда қочиб юрибсан?! Неча кунки ахтараман, тополмайман сени! Бўларим бўлди, сабр қосам тўлди, ахир. Энди сени судга бераман, тушундингми?

Муталбек атрофдаги томошаталаб одамларнинг ўзига қадалган нигоҳларини кўриб, кўрмасликка олиб, секин, бамайлихотир машинасидан тушди-да, аёлнинг олдига бориб, аввал саломлашди. Кейин унинг кимлигини, манзилини сўради.


— Нима ишинг бор, кимлигим билан, ундан кўра, сумкамни топиб бер! — дея бидирлади аёл.

— Хўш, айтинг-чи, ўзи нимани

йўқотгансиз?

— Бир сумка нарсаларим бор эди.

Олдинги ўриндикка кўювдим. Аёллар билан гапга берилиб, бошқа сумкаларни олибман-у, пул солигинани



қолдириб кетибман. Ичидаги пулларнинг ҳаммаси мингталик эди.

Муталбек юқонани очиб, аёлга юзланди:

— Мана шу сумка сизникими?

— Ҳа, бўлмасам-чи, ишқилиб, пулларга тегмадингми?

— Опажон, тилим бор деб ҳадеб ўшқираверманг, илтимос, гумон иймондан айиради. Менинг ота-онам ҳалол насиба билан боққан, ҳаром ёки миннатли ризқ, барибир юкмайди. Олинг пулларингизни, ишонмансангиз, ана, санаб кўраверинг.

Кўринишидан учароқ савдогарга ўхшайдиган аёл пул дасталарини бирма-бир ушлаб кўргачгина ховуридан тушди. Сўнг раҳмат айтиш ўрнига терс ўгирилиб, бошқа машинага ўтирди-да, хайр-хўшин ҳам насия

Булган воқеа

қилиб жўнаб қолди...

Муталбек эса гўё елкасидан тоғ қулагандай енгил тортиб, бекат ёнидаги чойхонага келиб ўтирди. Бу воқеани кузатиб ўтирган бир отахон унинг ёнига келиб шундай деди:

— Ука, хафа бўлманг, шунақа одамлар, афсуски, орамизда бор-да. Буни хизматга тухмат дейдилар. Отангизга раҳмат, сиздай инсофлилар кам, нафси ҳақалак отганлар кўп, сал чалгисангиз чув тушириб кетишадди. Майли, ўша аёлгаям худойим инсоф берсин, сиз эса ўз инсоний бурчингизни адо этдингиз, холос. Бу, аслида ҳаммамиз учун оддий ҳолга айланиши керак...

Баҳодир ЭГАМОВ,
журналист.
Навий вилояти.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ... ОЛТИН МЕДАЛЬ КЎПАЙМОҚДА

Таиландда давом этаётган Осиё соҳил ўйинлари мусобақасида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари иккита олтин медалини қўлга киритди.

Нуфузли мусобақада қитъанинг 36 давлати вакиллари спортнинг 28 тури бўйича баҳслашмоқда. Кураш бўйича 73 килограммгача вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Давлат Абраев ҳамда 81 килограммгача вазн тоифасида қатнашган Сардор Тўхташев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг юқори погонасидан жой олди.

Айни пайтда делегациямиз аъзолари ҳисобида 2 олтин, 5 бронза медали бор.

КЛИЧКО ЯНА ТЕНГСИЗ

15 ноябрь куни Германиянинг Гамбург шаҳрида ташкил этилган жангда, супер оғир вазн тоифасининг IBF, WBO, WBA йўналишлари чемпиони украиналик Владимир Кличко рингга кўтарилди.

Аввал хабар қилганимиздек, Владимир бу сафар бирор марта ҳам енгилмаган болгариялик Кубрат Пулев билан куч синашди. Биринчи раундда Пулев ёндан йўлланган чап қўл зарбаларини пайқамай қолиб, икки марта ноқдаунга учради.

Учинчи раундда ҳам яна бир марта ноқдаун очилди. Лекин беллашув давомида Кубрат яхши вазиятларга эга бўлди. Шулардан бири бешинчи раундда юз берди. Бироқ, ўша заҳотиёқ, Кличко ёндан чап қўлда жуда кучли зарбани йўллашга муваффақ бўлди ва рефери жангни тўхтатишга қарор қилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур беллашувда Владимир фақатгина IBF йўналишидаги олтин камарини ўртага ташлаган эди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

«UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ
қўйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Терапевт. ЭКГ.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Гинеколог
- Уролог.
- Клиник-биохимия лабораторияси.
- Ультратовуш ташхиси (УЗД) Medison X 6 аппаратура доплерография.
- Физיותרпия.
- Муолажа хонаси.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бешёғоч ҳаёси. 1-уй
Мўлжал: "Истиқлол" санъат саройи яқинида.
E-mail: umid_va_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия № 1255-00

Берилган сана: 26.03.2012 йил

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оваларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жағмармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
– 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади –
5598. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46